Узбекистон — келажаги буюк давлат

Тил — маънавият кўзгуси

Тошкент Давлат санъат институтида Республика Маданият ишлари вазирлиги, «Узбектеатр» бирлашмаси, Тошкент Давлат консерваторияси, Маданият, Миллий рассомчилик ва дизайн институтлари, Миллий ракс ва хореография олий мактаби билан хамкорликда «Она тилим — эрким, гурурим, дилим» мавзуида театрлаштирилган байрам кеча-

си ўтказишди. Узбек тилига Давлат тили макоми берилганига хам ўн бир йил бўлди. Мустақиллик боис, она тилимизга булган хурмат, эхтиромни ифодалаш имконияти яна-да ошди. Қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонун

Маннон Уйгур номидаги хамда уни амалга ошириш давлат дастури натижаси ўларок, она тилимизнинг қадр-қиммати беқиёс даражада ортди.

> Байрам кечасида талабалар томонидан миллий мумтоз куй-қушиқ ва рақслар, сахна асарларидан лавхалар ижро этилди. Институт фойесида эса ёш хунарманд ва мусаввирлар тайёрлаган тасвирий санъат асарлари, халқ амалий санъати буюмларидан намуналар намойиш этилди. Тадбирда Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслахатчиси А. Мелибоев сўзга чикди.

н. усмонова, УзА мухбири.

TOWKEHT AHXYMAHN -

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРКАРОРЛИК САРИ МУХИМ ҚАДАМ

Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик бугунги кунда нафақат минтақа, балки бутун дунё учун ўта мухим ва долзарб масалалардан бирига рилаяпти. айланиб қолди. Зеро, осойишталик факат мазкур худуд эмас, Европа, колаверса, Америка китьасида террорчилик ва наркобизнеснинг тарқалишига гусиқ булувчи омиллардан бири хисобланади. Шу маънода, «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустахкамлаш: наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашда умумий ёндашув» мавзуида Тошкентда иш бошлаган халқаро анжуманнинг аҳамияти каттадир. Ушбу тадбир БМТнинг Наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бүйича бошкармаси хамда Европада хавфсизлик ва хамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) ташаббуси билан ташкил этилди. Унда етмишдан

лари иштирок этмокда. Узбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов мазкур халқаро анжуманнинг раиси этиб сайланди.

ортиқ мамлакат ва қирқдан ор-

тик халкаро ташкилот вакил-

Марказий Осиёда вазият беқарорлашса, бу уюшган жиноятчиликнинг ўсиши, гиёхванд модладар савдосининг гуркираши ва террор хавфининг кучайишини келтириб чикариши хеч кимга сир эмас. Бу иллатлар хеч качон хозиргидек кенг кўламда таркалмаган эди. Ай-, никса, минтакага бевосита кушни булган Афгонистондаги неча йиллардан буён давом этиб келаётган можаро Марказий Осиёда мазкур муаммоларнинг янада куч олишига, тахдиднинг зўрайишига олиб келаётир. Афгонистон диний экстремизм, террор ва наркобизнеснинг дунё буйлаб тарқалиши учун асосий база вазифасини ўтамокда. Шу сабабли, анжуман иштирокчилари минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустахкамлаш учун, аввало, афгон муаммосини хал қилиш зарурлигини таъкидлади-

Марказий Осиё давлатлари минтакалаги вазиятлан ташвиш билдириб, жахон хамжамияти диккатини бу масалага жалб этаётгани тушунарли хол. Зеро, мазкур мамлакатларнинг мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаши, иктисодий ва сиёсий юксалиши учун бу худудда мустахкам тинчлик ўрнатилиши зарур. Айни пайтда мавжуд муаммоларни ечишда Марказий Осиё мамлакатлари бар-

ча тегишли халкаро ташкилот-

лар билан алокаларни кучай тиришга харакат қилмокда. Айникса, бу борада ЕХХТ билан хамкорликка катта эътибор бе-

БМТ ва ЕХХТ хамкорликда ташкил этган мазкур тадбирнинг Узбекистонда ўтказилишида бир таъкидни куриш кийин эмас. Тошкент анжумани мамлакатимизнинг Президент Ислом Каримов рахбарлигида минтакада террорчилик, наркобизнес ва диний экстремизмнинг тарқалишига қарши олиб бораётган кескин ва кенг кўламдаги изчил кураши халкаро майдонда эътироф топаёт-

ганидан далолатдир, Хақиқатан ҳам, Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарорликни сақлашда ўзига хос таянч база вазифасини ўтаётир. Узбекистон хукумати, шахсан Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги саъй-харакатлари кент тан олинмокда. Жумладан, Узбекистон ташаббуси билан ташкил этилган «6+2» гурухининг фаолияти, Ислом Каримовнинг бу муаммони юксак минбарлардан туриб жахон хамжамияти мухокамасига қўяётгани, Афгонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун ўзининг янгидан-янги таклифларини илгари сураётгани ва бу борадаги бошка таклифларни хар томонлама куллаб-кувватлаётганини ало

хида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бугунги кунда террор, диний экстремизм ва наркобизнесни бир-биридан айрича тасаввур этиш кийин. Улар бирбирини тулдирувчи хавфга айланиб улгурди. Хусусан, айни пайтда наркобизнес Афгонистонда ин курган диний экстремист ва террорчилар фаолиятининг ажралмас қисмига айланган. Бу ерда йилига минглаб тонна гиёхванд модда етиштирилади. Жиноий гурухлар ундан йилига миллиард-лаб доллар фойда кўради. Уз навбатида, бу маблаг куролярог сотиб олишта ва нафакат минтакада, балки Афгонистондан анча узокдаги давлатларда ҳам террорчилик ҳаракатларини молиявий таъминлашга

йўналтирилади. Марказий Осиёда барқарорликни бузишта уринишлар, жумладан, Узбекистон ва Кир**гизистонга куролли** жиноий гурухларнинг хужумлари минақага тахдиднинг кучайганлигидан далолат беради. Хокимиятни куч билан агдаришни кўзда тутадиган бундай харакатларда Афгонистондаги бекарорликнинг ўрни катта экани

(Давоми 3-бетда).

ОКСАРОЙДА КАБУЛ

1991 йил 1 январдан чика бошлаган

ВАКОЛАТХОНАНИН Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 октябр куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Австрия ташки ишлар вазири Бенита Ферреро-Валднерни кабул

> Давлатимиз рахбари мехмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ЕХХТнинг Марказий Осиё минтакаси билан алоқаси изчил ривожланаётганини таъкидлади.

• Пойтахтда

ЯНГИ БИНОСИ

Тошкентда

БМТнинг Нар-

котиклар назора

ти ва жиноятчи-

ликнинг олдини

олиш бўйича

бошқармаси

минтакавий ва-

колатхонаси-

нинг янги офи-

бат билан бўлиб

Шу муноса-

ўтган маросимда иштирок

этган БМТ Бош котиби-

нинг ўринбосари, Нарко-

тиклар назорати ва жино-

ятчиликнинг олдини олиш

бошқармаси ижрочи дирек-

тори Пино Арлакки маз-

кур ваколатхона Марказий

Осиёда гиёхванд моддалар

ва уюшган жиноятчилик-

нинг тарқалишига қарши

курашда ўз ўрнига эга

моддалар назоратини амал-

га оширишда Марказий

Осиё мамлакатларида олиб

борилаётган ишларни му-

вофиклаштириш билан

шуғулланади. Янги офис

барча зарурий техника во-

ситалари билан жихозлан-

ган бўлиб, ваколатхона фа-

олияти янада самарали

бўлишини таъминлайли.

«ЎЗБЕКИСТОН -

БАВАРИЯ

MYAOKOTH»

Германия Федератив Рес-публикасининг мамлакати-

димоти бўлиб ўтди. Гер-

манияда чиқарилган ушбу

дискда Узбекистон Респуб-

Глазл квартети ижросида-

даги Тошкент Лавлат кон-

серваторияси профессори,

Узбекистон Республикаси-

да хизмат кўрсатган артист

Феруза Абдурахимова рах-

барлик қилаётган «Сўғдиё-

на» оркестри репертуари

манияда хам ижодий са-

фарда бўлган. Мазкур ком-

пакт-диск сўнгги сафар чо-

ғида бавариялик халқ му-

сиқаси ижрочилари билан

намойиш этилган қушма

концерт асосида яратилган.

(¥3A).

Жамоа бир неча бор Гер-

жуда ранг-баранг.

Мухтор Ашрафий номи-

ёзилган.

Ваколатхона наркотик

эканлигини таъкидлади.

си очилди.

Дархакикат, Австрия ЕХХТга раислик қила бошлаганидан буён ташкилотнинг минтакамизга эътибори кучайди. Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик масалаларига бағишлаб очилган халқаро анжуман хам бунинг бир тасдигидир.

Ташкилотнинг Узбекистонга иккинчи бор ташриф буюрган амалдаги раиси бу ердаги вазият ва минтақавий муаммолардан яхши хабардор эканлигини қайд этди. Бенита Ферреро-Валднер хонимнинг таъкидлашича, ташкилот наркотик моддаларнинг ноконуний савдоси, халқаро террорчилик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда минтақа мамлакатларининг саъй-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

тириш, бу борада уларнинг ЕХХТ ва БМТ билан алоқаларини янада ривожлантиришни мўлжалламокда. Шу билан бирга, Б.Ферреро-Валднер мазкур муаммоларни бартараф этиш борасида Австрия Ўзбекистон ҳамда минтакамизнинг бошка мамлакатлари билан икки томонлама асосда хамкорлик қилиш ниятида эканлигини айтди.

Сухбат чогида минтакавий хавфсизлик, Узбекистоннинг ЕХХТ ва Австрия билан алоқаларига оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар мухокама қилинди.

• Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига

Мехмон Узбекистон рахбариятининг минтакавий хавф-(¥3A). сизлик борасида илгари сураёт-

лаб олишдан иборат.

ер зиёратгох

рочи директори Пино Арлаккини қабул қилди. ган ташаббуслари ва амалга ошираёттан ишларини юқори бахолади. Бу ташаббуслар ўзаро халқаро ҳамкорликка асос бўлишини таъкидлади. Тошкентдаги учрашувлар ўзи рахбарлик қилаётган бошқарманинг хавфсизлик масалаларида Узбекистон билан алоқаларини янада фаоллаштиришига

20 октябр

жума

Сотувда эркин нархда

№ 209 (2506)

Шу куни Президент Ислом Каримов БМТ Бош ко-

тибининг ўринбосари, Наркотиклар назорати ва жи-

ноятчиликнинг олдини олиш буйича бошкарманинг иж-

П.Арлакки Марказий Осиё-

да хавфсизлик масалаларига ба-

гишлаб Тошкентда очилган

халкаро анжуманда катнашиш

учун Узбекистонга келган.

Пойтахтимизда бошланган маз-

кур конференциядан кўзланган

мақсадлардан бири наркотик

моддалар контрабандаси ва

уюшган жиноятчиликка қарши

курашда хамда умуман хавф-

сизлик масалаларида минтака-

вий ва халқаро миқёсдаги хам-

корлик йўналишларини белги-

Узаро мулокот асносида Узбекистон билан БМТ ўртасидаги хамкорликни янада кенгайтириш билан боглиқ масалалар мухокама қилинди.

ишонч билдирди.

Кухна Самаркандда мозийдан сўйловчи кутлуғ қадамжолар

кўп. Уларнинг аксарияти сомиздаги элчихонасида «Узбекистон — Бавария мулокоти» деб номланган мусикий компакт-диск такликаси Маданият ишлари тида топталиб, вазирлиги тасарруфидаги «Сўғдиёна» халқ чолғу асбоблари камер оркестри билан Мюнхеннинг Георг ги ўн олтита мусикий асар мизда балкиган Истиклол куёшигина

> ли қайтадан кашф этилди. Улуг аллома дафн этилган Чо-

лейли самаркандлик археолог, тарих фанлари номзо-

ди Амриддин Бердимуродов. — Ер майдони 4,5 гектарни ташкил этган бу қабристонга ўнинчи асрдан бошлаб мархумлар дафн қилинган. Казув ишларимиз натижасида ўн тўртинчи асрда қурил-

20 дан зиёд мархумлар номи ёзилган қайроқ тошларини топдик. Бузилиб кеттан мақбара қайта тикланди. Хар бир уринишимиз, харакатларимиз Чокардиза сирларини

СУРАТДА: мохир уста, Узбекистон **Кахрамони** Мирумар Асадов ўғли Сухроб ва жияни Хаким Асадовларга иш услубини ўргатаётган

(Давоми 2-бетда).

Юртимизнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Тадбиркор мактаб қурди

Инсондан нима колади? Ўтқазилган дарахт, қазилган ариқ, чиқарилган йул, тикланган бино. Шахрихоннинг Найнаво қишлоғида истикомат килувчи Мамашариф ака Жураев уз маблағи хисобидан мактаб биноси қуриб, ҳамманинг олқишини олди. Ёруг ва кенг хоналарда тахсил олаёттан болаларнинг шодлигини айтинг. Қалби эзгуликка тўла бу тадбиркор энди болалар

бағчаси ҳам қуриб бермоқчи.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ахвол қалай, шохимардонликлар?

Шохимардон мамлакатимизнинг энг олис тог кишлокларидан. Бундан икки йил аввал бу ерда юз берган фожеа хали кўпчиликнинг ёдидан кўтарилгани йўк.

Якинда Фарғона вилоят касаба уюшмалари кенгаши Шохимардондаги муаммоларни хал этиш, ахолига хайрия ёрдами кўрсатиш мақсадида 2 миллион сўм маблаг ажратди. Шу маблаг хисобидан кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатилди. Сув тошкинидан талофат кўрган оилалар хамон юртдошлар эътиборида эканликларидан мамнун бўлдилар.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўттиз учдан ўттизи — талаба

Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, олий ўкув юртларига ўқишга киришда Навоий шахридаги ихтисослаштирилган махсус мактабинтернат битирувчилари ўз билимдонликларини кўрсатдилар.

Жорий йилда бу даргохдан учирма бўлган 33 битирувчидан 30 нафари республикамиздаги нуфузли олий ўкув юртларига қабул қилинди. Энг мухими, уларнинг барчаси давлат грантлари асосида талабалик бахтига муяссар бўлдилар. Тошкен-

тдаги Иктисодиёт, Жахон тиллари университетлари, Молия институтига қабул қилинганлар кўпчиликни ташкил этади. Билим масканининг бу кўрсаткичи вилоятдагина эмас, республикамизда хам энг юкори хисобланади.

Абдувахоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Фугаку Тайко» диёримизда

Кеча Алишер Навоий номли театр майдонида Япониянинг «Фугаку Тайко» барабанчилари хамда «Аббос» гурухлари хамкорлигида катта концерт бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Узбекистонда ўтаётган «Япония маданияти кунлари»нинг узвий давомидир. Кеча қатнашчилари нафақат япон қушиқ ва рақсларидан, балки миллий таомларидан ҳам баҳраманд бўлдилар. Кунчиқар мамлакатнинг миллий қўғирчоқлари эса дилларни хушнуд этди.

м. холматова, «Халқ сўзи» мухбири.

Саломатлик масалаларига багишланди

Самарқандда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, ЮНЕСКО ва Ахолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) хамкорлигида ташкил этилган «Репродуктив саломатлик дастурларини қуллабкувватлаш» мавзуида икки кунлик семинар бўлиб ўтди. Семинарда вилоятдаги туман хотин-қизлар қумиталари раислари, туман хокимларининг ижтимоий масалалар буйича ўринбосарлари, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари, «Махалла», «Камолот», «Нуроний» жамғармаларининг вилоят бўлимлари вакиллари, хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаодлари иштирок этди.

Узбекистон хотин-қизлар қумитаси раисининг уринбосари Д. Қобулова репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни химоя қилиш масалаларини хал этишда, соглом турмуш тарзини таргиб килиш бўйича ишларни амалга оширишда тиббий ходимлар билан бир каторда бошқа соҳа вакилларини ҳам жалб қилиш зарурлигини таъкидлади. Чунончи, ёш авлод соғлиғи учун нафақат шифокорлар, ота-оналар. балки жамоатчилик, махалла ва мактаблар хам масъулдир.

Шунингдек, семинар давомида бугунги кунда хаётимизда вояга етмай турмуш қуриш ва яқин кариндошлик никохлари тезтез учраб туриши, бу холатларнинг салбий оқибатларининг олдини олиш чоралари мухокама килинди. Ахоли, айникса, ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш зарурлиги таъкидланди. Бунда оммавий ахборот воситалари ҳам фаол иштирок этиши лозим

• Анонс

Илдизлари теран дарахт

Муштарийларимиз бундан анча аввал ана шу рукида қатор вилоятларимиздан туркум маколалар берилганини унутмаган куринишади. Чунки утган муддат давомида улардан ана шу рукини яна давом этгириш хохиши билдирилган хатхабарлар олдик. Ушбу истакни қондириш мақсадида навбатдаги сахифани Наманган вилоятига багишладик. Сиз у билан газетамизнинг 2-бетида танишасиз.

Ташкилотлар бирлашди

Республика Хотин-қизлар қумитасида Узбекистон хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг «Мехр» бирлашмасининг таъсис йигилиши бўлиб ўтди. Йигилишни Узбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қумитаси раиси Д. Гуломова бошкарди. Унда хотин-кизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари рахбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Мустақиллигимизнинг

дастлабки кунлариданок мамлакатимиз рахбарияти жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий **хаётида хотин-қизлар мав**кеини ошириш масаласига катта эътибор бермокда, -деди Хотин-қизлар қумитаси раиси Д. Гуломова. -Кейинги йилларда республикамизда хотин-қизлар ҳаракати фаоллашиб, хаётимизнинг барча жабҳаларида фаолият кўрсатаётган нодавлат жамоатчилик хотин-қизлар ташкилотлари тузилмоқда. Узбекистон хотин-кизларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари бирлаш-

масининг ташкил этилиши эса бугунги давр талабидир. Мазкур бирлашма хам миллий, хам халқаро микёсда хотин-қизлар манфаатларини химоя килиш, умумий рухдаги долзарб муаммолар ва вазифаларни хал этиш, зарур ахборотлар алмашинувини таъминлаш, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг хукумат тузилмалари билан ҳамкорлигини янада фаоллаштириш ишларида ёрдам бера-

Йигилишда сўзга чиққан ушбу ташкилотлар вакиллари бирлашма ташкил этилишини нихоятда мухим ва ўз вақтида амалга оширилган тадбир, деб бахоладилар. Зеро, хотин-қизлар ташкилотлари ўзларининг умумий максадларини амалга ошириш йўлида бирлашиши, хамкорликда иш юритиши, ўзаро тажриба алмашувини йўлга қўйиши зарур.

Ингилипида ташкилий масалалар кўриб чикилди. Мухокама этилган масалалар буйича тегишли қарорлар кабул килинли.

> з.усмонова, **УзА** мухбири.

харакатларини мувофиклаш-

ветлар даврида эътибордан четда қолди. Нафакат эътибордан четда, балки оёк осмиллат шаъни, гурури поймол этилди. Ииллар давомидаги бундай нохакликларга факатгина юрти-

бархам берди. Калом илмининг пешвоси, буюк хадисшунос Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратларининг диний-дунёвий сохадаги хизматлари хам айнан мустақиллигимиз туфай-

кардиза қабристонида археологлар томонидан қазув-қидирув ишлари олиб борилди.

- Биринчи галда қабристон чегарасини аниклашга эътиборимизни қаратдик, —

ган мақбара қолдиқларини,

очиб беришга хизмат қилди.

у ер зиёратгох

HCTHKAOA САЙҚАЛЛАГАН РИШТАЛАР

Якинда вилоят марказидаги «Навбахор» стадионида ўтказилган «Хеч кимга бермаймиз сени, Узбекистон!» ҳарбий-ватанпарварлик қушиқлари фестивалида бир ҳолат эътиборимни тортди. Тадбир сўнгида томошабинлар ёшларнинг «Хеч кимга бермаймиз сени, Узбекистон!» қушиғини жур булиб куйлашди. Ватанга садокат, унинг такдирига масъуллик туйгулари барча тўпланганлар — ўзбегу рус, украи-

лий-маданий маркази билан ҳамкорликда атокли ёзувчи Чингиз Айтматов таваллудининг 70 йиллигига багишлаб қатор учрашувлар, кечалар, китобхонлар анжуманлари уюштирди. «Камолот» жамғармаси вилоят булими билан биргаликда Наманган шахридаги Бобур номли маданият ва истирохат богида ўтказилган «Биз — Президент фарзандларимиз» мавзусидаги карнавал, «Соғлом авлод - юрт камоли» фестивали каби тадбирлар ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, ўз истеъдодларини намойиш этишлари учунгина эмас, балки улар ўртасида дўстлик ва биродарлик туйгуларининг ҳам мустахкамланишига хизмат килмокда. Бу тадбирларда вилоятимизда истикомат қилаётган барча миллат ва элат ёшлари 40 мингдан зиёд йигит-қизлар иштирок этганлиги фикримизга далил бўла

Республика «Махалла» хайрия жамгармасининг вилоят б<u>ў</u>лими, вилоят хотин-қизлар қумитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Насак озлик килали. Чунки миллий калриятларимиз, хусусан, урф-одатларимиз, анъаналаримизни равнак топтириш учун хамма шароитлар яратилган. Фарзандларимиз машгулотлар тожик тилида олиб бориладиган мактабларда ўкимокда, богча-яслиларда тарбияланишмоқда. «Косонсойнома» туман газетасининг бир сахифаси тожик тилида нашр этилади. Эътибор бўлса шунчалик булади-да.

Республикамиз мустакилликка эришгандан буён ўтган тарихан киска даврда юртимизда асрларга татигулик ўзгаришлар рўй берди. Эндиликда Узбекистонимиз ютукларини бутун жаҳон эътироф этмокда. Шўролар даврида Косонсойдай чекка туманда хорижликлар билан ҳамкорликда замонавий корхона ташкил этишни тасаввур хам қилиб бўлмасди. Бугун ана шу туманда Туркия билан барпо этилган «Касмир-Дери», «Косонсой-Текмен», «Косонсой-Атласмен», Литва билан ҳамкорликдаги «Кура-аппаратура» корхоналари фаолият кўрсатаяпти. Уларда турли миллат вакиллари ҳамжиҳатлиқда меҳнат қила-

Мен мамлакатимизда, вилоятимизда, жумладан, туманимизда қўлга киритилган ютуқлар, руй бераётган ўзгаришларни кўрганимда, улар ҳақида ўйлаганимда, хорижлик мехмонларнинг бўлдим, обрў-эътибор топдим. Қуқондаги қишлоқ хужалиги-

ни механизациялаштириш ва электрлаштириш техникумини тугатиб, Учкургон тумани қишлоқ хўжалик бошқармасида муҳандис, катта мухандис, бош мухандис вазифаларида ишладим. Шу орада Андижон пахтачилик институтини тугаллаганимдан сўнг, Учкўргондаги 9-ўрта касб-хунар техника билим юрти рахбарлигига тайинландим. Мустақиллик йилларида эса бу ерда касб-хунар лицейи ташкил этилди.

Беш фарзандим бор. Хаммаси олий маълумот эгаси. Уч ўглимни уйлаб, бир қизимни турмушга узатганман. Куда-андаларимнинг хаммаси — ўзбеклар. Шу ўринда ўзбеклар ҳақида икки оғиз гапирсам. Улар мехмондўст, саховатли, очиқкўнгил, меҳнаткаш, дўстлик, биродарликни гоят қадрлайдиган мард халқ. Миллатчилик қусурларидан буткул холи. Буни туманимизда истикомат киладиган 850 нафардан кўпроқ қиргизлар ҳам яхши билишади. Учкўргонда қирғиз тилида ўқитиладиган мактаб бор. У киргиз халкининг улкан оқини Тўхтағул Сотилгонов номи билан аталади. Миллатдошларим қирғиз тилида ҳам, ўзбек тилида

Узим хам хар икки тилни яхши

биламан. Урта мактабда, техникум-

да, институтда ўзбек тилида

ўкиганман. Айни пайтда лицейда

Қирғизистондаги қариндош-

уруғларим бизникига тез-тез меҳ-

монга келиб туришади. Бахтли-сао-

датли, эмин-эркин, фаровон

яшаётганимизни кўриб кувониша-

ди. Мамлакатимизда мустақиллик

йилларида руй берган беқиёс

ўсиш-ўзгаришларга, амалга оши-

рилаётган бунёдкорлик ишларига

хавас билан бокишади. Бундан шу

юртнинг бир фукароси сифатида

Бердиали ТЎХТАБОЕВ,

Учкургон касб-хунар

лицейи директори.

шу тилда дарс бераяпман.

дарахт хам бемалол сўзлаша оладилар.

ражада ўзгараяпти. Буюк аллома мақбараси ёнидаги 4 гектарлик майдон яшилликка, анвойи гулларга бурканган. Қадимий Регистондан қутлуғ қадамжо сари олиб борувчи йўл ҳеч бир даврда бунчалик равон бўлган эмас.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Чокардизада бунёдкорлик ишларига Самарканднинг энг мохир усталари жалб этилган. Мен улар орасида таникли уста, Узбекистон Қахрамони Мирумар Асадовни учратдим. Кексайиб қолсам-да,

шундай паллада уйда ўтиришни ўзимга эп билмадим, дейди Мирумар ака. - Ана шогирдларим, фарзандларим ишлашаяпти. Бир оғиз сўзим билан бўлса-да, уларни рухлантирсам, йўлйўрик кўрсатсам харна-да. Қаранг, қисқа вақтда қанчалик ишлар қилинди. Мени қувонтиргани-халқимизнинг мехнаткашлиги саховатиешалиги. Шу ернинг ўзида ҳар куни 500 дан ортиқ одам қизғин бунёдкорлик билан банд...

Дарвоке, бугун Чокардиза қиёфаси таниб бўлмас да-

Регистон рупарасидаги бир пайтлар пастқам иморатлардан иборат каттагина майдон эса бугун йирик қурилиш иншоотини эслатади. Бу ерда гўзал хиёбон барпо этилаяпти. Четдан қарағанда, бутун шаҳар аҳли шу ерга, ҳашарда қатнашиш учун кўчиб чиққандек. Гулзор яратаётган киму, ерга плита ётқизаётган ким! Ер текислаш, ёрит-

Ха, Самарқандда улуғ ишлар давом этаяпти. Эзгу мақсадлар, саъйхаракатлар ўтмишимизни, аждодларимиз улуглигини

оламаро кашф

лар машгул.

қилаяпти. Бундай қутлуғ ва савоб ишларга бизни фақат мустақиллигимизгина бошлаётганидан диллар шод, ғурур эса ўзбе-



бўлади

«Самарқандэлектромонтаж» бошқармаси ишчилари Сергей Смирнов ва Элдор Иззатуллаев Регистон майдонида хашарда.

Абдурасул САТТОРОВ, Тохиржон ХАМРОКУЛОВ (фото) «Халқ сўзи» мухбирлари.

Илдизлари теран махаллада миллий анъа-

ну тожик, қирғизу қозоқ вакилларининг тилида бирдай жаранглади. Шунда яна бир карра хис этдим, Ватан мухаббати хар нарсадан устунлигини, унинг тиллардану диллардан бирдай жой олга-

Аслида курраи заминда ўз ўрнини топиб, тараққиётнинг ўзига хос йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистонимиз равнакининг кудратли омилларидан бири хам мамлакатимизда яшаётган миллату элатларнинг Мустакиллик аталмиш азиз неъматнинг кимматини юракдан хис этиб, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаётганликларида эмасми?!

Шундай, дўстлик, биродарлик ришталари мустаҳкам бўлса, ягона мақсад сари ҳамжиҳатликда, қўлникулга бериб, дадил кадам ташланса, кўзланган ниятлар амалга ошаверади, дилдаги орзулар ушалиб, юрт гуллаб-яшнайверади. Буни она-Ватанимиз — Узбекистонда Мустақиллик йилларида эришилган беқиёс ютуқлар, кун сайин руй бераётган қувончли ўзгаришлар, мамлакатимизнинг жахонаро обру-нуфузи тобора ортиб бораётгани ҳам рўй-рост кўрсатиб туриб-

Фахр ва мамнуният билан айтиш керакки, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг окилона сиёсати туфайли тинчликосойишталик барқарор булган юртимизда миллатлараро тотувлик қарор топди. Узбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир кишининг миллати, ирки, ижтимоий келиб чикиши ва диний эътикодидан қатъи назар тенг хуқуқлилиги, хаётнинг барча неъматларидан бахраманд бўлиб яшашга хакли эканлиги қонун билан кафолатланган. Ва дадил айтишимиз керакки, ресси бу кафолатлар, ҳақ-ҳуқуқлардан

тўла-тўкис фойдаланмокда Наманган — байналмилал вилоят. Ўзбеклар билан ёнма-ён 170 мингдан ортиқ тожиклар, 19 мингдан зиёд қирғизлар, 18 мингта яқин руслар, жами 89 миллат ва элат вакиллари истикомат килишади. Вилоят хокимлиги уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, урфодатлари ва анъаналарини равнак топтириш, тили ва маданиятини юксалтириш, маънавий эхтиёжларини тулаконли кондириш масалаларини хамиша диккат марказила тутмокла. Уларнинг фарзандлари машгулотлар она тилларида олиб бориладиган мактаб ва синфларда ўкимокдалар. Хозирги пайтда 11 та тожик, 7 та қиргиз мактаби ўкувчиларга таълим ва тарбия бермокда. Шунингдек, машгулотлар тожик ва киргиз тилларида олиб борилалиган 15 та мактабгача тарбия муассасаси хам фаолият кўрсатаяпти. Вилоят телевидениеси оркали рус тилида «Зеркало» («Кўзгу») ахборот — кўнгилочар дастури намойиш этилмоқда. Радио орқали эса ўзбек тили билан бир каторда рус ва тожик тилларида ҳам эшиттиришлар берилаё-

Бугунги кунда рус тилида 2 та, жумладан, «Наманганская правда» вилоят газетаси нашр этилмокда. Булардан ташқари, вилоятда чоп этилаётган газеталар барча миллат ва элат вакилларининг орзу-ўйлари, хаёти, мехнати, она-Ватанимиз равнакига қушаётган хиссаларини изчил ёритиб бормокда. Турли миллат ва элат кишилари ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустахкамлаш, ижтимоий, иктисодий ва маданий муносабатларни такомиллаштиришда жамоат ва нодавлат ташкилотлари амалга ошираётган ишлар ҳам ибратлидир.

Хозирги пайтда вилоятда «Халқ бирлиги» харакатининг булими, рус, қирғиз, корейс миллий-маланий марказлари фаолият курсатмокда. Улар томонидан мунтазам равишда турли саналарга, уруш ва мехнат фахрийлари, таникли адиблар, олимлар ва санъаткорлар таваллуд кунларига бағишланган маросимлар, никох тўйлари, учрашувлар, кечалар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмокда. Масалан, Наманган Давлат университети кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори Алексей Васильевич Цойнинг 70 ёщга тўлганлиги муносабати билан ўтказилган юбилей кечасида нафакат миллатдошлари, балки унинг барча ҳамкасб, ёру дўстлари яйраб-яш-

Вилоят хокимлиги қирғиз мил-

налар ва умуминсоний қадриятларнинг замонавий оилани шакллантиришдаги роли мавзуида

ўтказилган учрашув ва давра сухбатлари хам унинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Маълумки, бир неча йилдан буён мамлакатимизда «Энг намунали оила» кўрик-танлови ўтказиб келинмокда. Унинг барча босқичларида турли миллат ва элатга мансуб оилалар фаол қатнашмоқдалар. Утган йилги кўрик-танловнинг республика боскичида косонсойлик, тожик миллатига мансуб Абдураззок ота Саломовлар хонадони учинчи ўринни эгаллади. «Муқаддас аёл», «Тўй либослари» кўрик-танловларида ўзбеклар билан бир қаторда рус, тожик, қирғиз, татар ва бошқа миллат вакиллари ҳам ўз миллий урф-одат ва

анъаналарини намойиш қилаяптилар. Наманган туманидаги Шамсикўл қишлоғида, асосан, тожиклар истиқомат қилишади. Улар билан қушни махаллаларда яшовчи ўзбеклар ўртасида кон-кардошлик, куда-андачилик ришталари чукур илдиз отган. Бу ерда кўплаб ибратли тадбирлар амалга оширилмокда. Шамсикўл «Энг намунали махалла» кўрик-танловининг вилоят босқичида учинчи ўринни эгаллагани ҳам шундан далолатдир.

Спорт мусобақалари ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотидагина эмас, удар ўртасида дўстлик адокадарининг богланиши ва мустахкамланишида хам улкан ахамиятга эгадир. Шу ўринда вилоятимиз йирик спорт мусобақалари ўтказила-

диган ўзига хос марказга айланиб бораётганини ифтихор ила таъкидлаб ўтиш лозим. Зеро, бунинг учун хамма имкониятлар мавжуд. Айникса, кейинги йилларда халқаро андозалар талабларига тула жавоб ерадиган «Дустлик» теннис мажмуаси, «Пахлавон», «Динамо», «Алпомиш» ва бошқа бир қатор спорт иншоотлари куриб ишга туширилгани айни муддао бўлди. Фақат шу йилнинг ўзида Наманганда иккита халқаро теннис турнири, шахмат бўйича худудий танлов, велоспорт, қул жанги, кураш ва футбол бүйича республика мусобакалари ўтказилди. Юртбошимиз ташаббуси билан ўтиб, республикамизнинг олий **ЎКУВ** Ю**Р**ТЛАРИДАН 2000 нафарга якин талабалар иштирок этган улкан спорт анжумани «Универсиада-

2000» эса, хеч муболағасиз айтиш мумкинки, нафақат ёшлик, гўзаллик, махорат кўриги, балки чинакам дўстлик, биродарлик байрамига айланди. Чунки, унинг иштирокчилари орасида республикамизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари бор эди. Ахмаджон ЛУКМОНОВ,

Наманган вилоят хокимининг ўринбосари.

Ёшим 48 да. Жаннатмакон Ўзбекистоннинг гузал гушаларидан бири — Косонсойда туғилганман. Шу ерда унибўсдим, оилали бўлдим. Оллохга шукр, тўрт нафар фарзандим бор. Оиламиз етти кишидан иборат. Миллатим тожик. Махалламизда ўндан ортиқ миллат вакиллари истикомат қилади. Улар бир оила фарзандларидай ахил, инок. Хаммамиз ўзбек тилида хам, тожик тилида ҳам бемалол гаплаша оламиз. Машғулотлар тожик тилида олиб бориладиган мактабда ўзбек тилидан дарс бера-

Истиклол берган имконият — тинчтотув, хотиржам яшаш бахтига эга эканлигимиз учун ҳар ҳанча шукрона айт-

эшитганимда қалбим фахр ва ифтихор туйгуларига тўлади,

кувончдан бошим осмонга етади. Оқилона, адолатли сиёсат юритаётган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган, халқимизга фидойилик билан хизмат қилаётган муҳтарам Юртбошимизнинг боши омон, умри узок булсин, дея тилак билдираман

Зиёдуллохон САИДОВ, Косонсой туманидаги 43-умумтаълим мактаби ўкитувчиси.

CHMNTRNADAQ

Миллий-маданий марказимиз 1994 йилда ташкил топган. Утган даврда кўплаб ранг-баранг маданий-маърифий тадбирлар ўтказдик. Улуг адиблар А. Пушкин, А. Чехов, М. Шолохов хаёти ва ижодига бағишланган кечалар. А. Толстой таваллудининг 170 йиллиги муносабати билан вилоят кутубхонасида ташкил этилган китоб кўргазмаси ана шулар жумласидан. Фаолларимиз вилоят телевидение-

> си оркали рус тилиберилаётган «Кўзгу» («Зеркало») ахборот-кўнгилочар дастурни тайёрлашда хам иштирок этишмокда. Марказимизда ахрийлар ва ешлар бадиий хаваскорлик дасталари фаолият купсатаяпти.

Вилоят микёсидаги турли маданиймаърифий тадбирларни ўтказишда марказимизнинг ўз ўрни бор. Вилоят ёшларининг Наманган шахридаги Бобур номли маданият ва истирохат богида бўлиб ўтган «Биз — Превидент фарзандларимиз» мавзуидаги карнавали, «Соглом авлод - юрт камоли» деб аталган фестивали ана шулар сирасига киради.

Кези келганда ўзим ҳақимда икки оғиз гапириб ўтсам. Учкўргоннинг Кўгай қишлоғига ёш мутахассис сифатида ишга келган ва шу ерда турмуш қурган Александр Рязанцев ва Мария Тютюкина оиласида тугилганман. Болалигим ўзбек, рус, корейс, украин, татар, немис, болгар ва бошка

миллат вакиллари ахил, инок яшовчи Кўгай кишлогида ўтди. Намангандаги мактабни, кейин олийгохни битирдим. Ешлар ташкилоти, давлат идораларида ишладим. Хозир республика «Болалар» жамғармасининг вилоят булими раисиман.

Узбек кишлогида тугилгандигим учунми кизалоклигимдан ўзбекларнинг багрикенглиги, очиккўнгиллигини хис этиб улгайганман. Уларнинг мехнатсеварлиги, мехмондустлиги, саховатпещалиги мени хайратга солади. Узбекларнинг маданияти, урф-одатлари ва тилига чуқур хурмат билан қарайман. Шунинг учун ҳам ўзбек тилини яхши ўрганиб олганман.

Яна бир гап. Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларнинг бегуборлиги, турли миллат ва элатга мансуб кишилар тотув, ахил ва иноқ яшаётганликлари, республикамизни гуллабяшнатиш йўлида хамжихатлик билан мехнат қилаёттанликларини фахру ифтихор билан таъкидлагим келади

> Наталья РЯЗАНЦЕВА, Вилоят рус миллий-маданий маркази рахбари.

Боболаримизнинг айтишларича аждодларимиз 1820 йилларнинг ўрталарида Киргизистондан Учкургонга келиб жойлашган эканлар. Мен шу ерда тугилиб, камолга етдим, бола-чакали

Сахифа материалларини Абдувохид ОЧИЛДИЕВ

ва Исмат ХУДОЁРОВ тайёрлади.

1994 йилда кўп қаватли уйлар жойлашган дахаларда хам махалла фукаролар йигинлари ташкил этилди. Бизнинг «Тўкувчи» махалла фукаролар йигинимизда 34 та кўп қаватли уй мавжуд. Уларда 24 миллатга мансуб кишилар истиқомат қилади. Мен — татар фарзанди — уларга бошман.

Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларнинг накадар бегуборлиги қатрада қуёш акс этканидек, махалламиз ахли иноклиги, тотувлиги, хамжихатлигида хам яққол намоён бўлмокла.

Туман хокимлиги, оталиқ ташкилотларнинг кумагила махалламиз марказида замонавий гузар барпо этилди. Кўп қаватли уйларнинг ховлиларида спорт, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун майдончалар жихозланган. Биз бу ерда байрамлар, турли тарихий саналарга бағишланган маросимлар. учрашувлар, дўстлик кечаларини мунтазам ўтказаяпмиз. Уларда махалламизда яшовчи барча миллат вакиллари фаол иштирок этиша-

Махалламиз ахли республикамиз мустакиллигининг 9 йиллиги, Наврўз байрами, Хотира ва Кадрлаш кунига бағишланған маросимлар, «Махалла — фахрим менинг», «Ота касбим — тўкувчи», «Ота ўгитлари», «Соглом она соглом фарзанд» мавзуларидаги учрашувлар ва кечалар, махаллада яшовчи истеъдодли болаларнинг 48-умумтаълим мактаби маъмурияти билан ҳамкорликда ташкил этилган ижодий кўргазмаси сингари тадбирларни ханузгача қувонч билан эслаб юришади. Айниқса, ҳар йили «1 июн — Халкаро болаларни химоя килиш» куни муносабати билан ўтказиладиган тадбирларимизни алохида таъкидламокчиман. Шу куни болалар кўп қаватли уйлар ховлисидаги майдончаларга таклиф этиладилар. Уларни туман хокимлиги, махалла фукаролар йиғини, ота-оналар вакиллари қутлайдилар. Болаларга совга-саломлар такдим этилади. Ешлар турли халкларнинг куй-кушиклари, раксларини мехр билан ижро эталилар. Рус, тожик, татар, корейс ва бошка миллатларга мансуб болалар ўзбекча қўшиқ, шеър айтиб, ўйинга тушиб, тенгдошларини хурсанд этадилар.

Болаларнинг ўзаро самимий муносабатларини, турли миллат ва элатларнинг маданияти, тилига хурмат-эхтиромларини куриб бехад қувонасан, киши. Мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар сохасида олиб борилаёттан сиёсат нақадар тўгри эканлигидан қалбинг ифтихор туйгуларига тўлади. Шу Ватаннинг озод фукароси бўлганлигинг билан фахрланиб, кувонасан.

Комила ДАВЛИЧАРОВА, Давлатобод туманидаги «Тўкувчи» махалла фукаролари йнгини раиси.



Вакт кадрини билганлар

Кузнинг ёғин-сочинли кунлари пахтакорни хосилни йиғиб олишда хар дақиқа ғанимат эканлигидан огох этди. Йил буйи қилинган мехнатни торозига қуядиган дамлар келди. Зеро, омилкор дехконнинг юзи хамиша ёруғ бўлади. Сиз суратда кўриб турган Эрали Кулжонов хам шундай инсонлардан. У 12 йилдан буён Мирзачўл туманидаги «Тошкент» ширкатлар бирлашмасида мехнат қилади. Бу йил унинг звеносида 21 гектар ерга чигит қадалди. Хосил зўр бўлган экан — биринчи теримдаёк 30 центнердан пахта топшириб, режани

Нўъмонжон МУХАММАДЖОНОВ

Дауткўлнинг балиғи тотли...

Бутун Оролбуйи худудида Дауткул сув хавзаси ўзининг хуштаъм балиғи билан шухрат козониб келади. Сув такчиллиги боис бир канча хавзаларда балик чуги камайиб

қолди. Аммо Дауткул балиқ-

чиларининг иши сусаяёттани йўк. Бу ажойиб кўл «Нукусбалик» хиссадорлик жамиятига қарайди.

Хиссадорлик жамияти 9 ойда мамлакат дастурхонига 630 центнер лукмаи халол тортик килди. Иил охиригача бу курсаткич 1000 центнердан оширилади.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ташкилот Тошкент шахридаги омбордан қуйидаги янги техникалар трактор Т=30 (Владимир) Thorach The (namena) трактор МТЗ (Миная) ва КФМ, КФО-2 русумидаги 12290-89 ГОСТли «Косинская бумажная фабрика» ОТАЖ (Россия Федерацияси) да ишлаб чикарилган озука суюкликларини Фильтрловчи картонни

таклиф этади.

Бизнинг телефонлар/факс:

(3712) 54-96-11, 54-69-13, 54-96-40

• Такдимот «Мен украин халкига ишонаман»

Алишер Навоий номилаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасида Украина Республикаси Президенти Леонид Кучманинг «Мен украин халқига ишонаман» деб номланган китоби такдимоти ўтказилди.

Маросимда сўзга чикқанлар мазкур китобда мамлакат сиёсий, ижтимоий-иктисодий сиёсатининг устувор йўналишлари, ислохотлар ҳақида батафсил маълумотлар берилганлигини баён қилишди.

- Мазкур китоб Украинанинг бугуни ва эртаси, миллатдошларимиз хаёти билан танишиш имконини беради, - дейди украин аёли Мария Гаврилюк. -Мен Ўзбекистонда туғилганман. Шу заминни она юртим деб хисоблайман.

Шу ерда туп қуйиб, палак ёздим. Бугунги кунда Узбекистонда 300 мингдан зиёд украинлар истикомат қилаяпти. Мамлакатимизда барча миллатлар каби бизлар учун ҳам яхши шароитлар яратилган. Биргина мисол: украин маданий марказида кўплаб тадбирлар ўтказилмокда. Жумладан, марказ қошидаги «Жерал» фольклор-этнографик дастасида украин халқининг қадимги урф-одатларини намойиш килиб, халк қушиқларини маромига етказиб ижро этилаётганлиги барчани қувонтираяпти.

«Туркистон-пресс».

ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ - МАРКАЗИЙ ОСИЕДА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРКАРОРЛИК САРИ МУХИМ КАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

